

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИКАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ҚАРДОШЛИК



СУРАТДА: Декларацияни имзолаш пайти.

8 октябрь куни Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси расмий-амалий ташир билан Тошкентга келди.

Икки давлат байроқлари билан безалган Тошкент аэропортида Тожикистон раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди. Шу кунги пойтахтимизнинг мухташам Халқлар дўстлиги саройида икки давлат расмий делегацияларнинг музокаралари бошланди. Дўстлик ва қардошлик рамзига айланган ушбу саройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов ўртасида яқма-яққа суҳбат бўлиб ўтди.

Сўнг расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ўтказилди.

Мулоқот чоғида Ислам Каримов ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг қадим тарихга эга эканини таъкидлар экан, қондош ва жондош элларимиз тақдир бир бири билан узвий боғланиб кетганини алоҳида қайд этди.

— Ана шу сабабли халқимиз тожик халқининг қадимий ўзларидек қабул қилди. — деди Ўзбекистон Президенти. — Мушкул куларда унга ёрдам қилини чўзди. Биз қардошлар

дирерида тезроқ тинчлик ва оқошталлик қарор топишни истаимиз. Шу боис муҳолиф қарорларни тезроқ муромага келтириш, тожик халқининг иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қўмақлашиш учун халқро ҳамжамият эътиборини жалб этилмиш.

Ислам Каримов Тожикистондаги вазият хусусида сўзлар экан, мамлакат мустақиллиги ва раванки учун курашувчи барча сиёсий қучларнинг шу йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловида тенг иштирокини таъминлаш учун халқнинг барча қатламлари бу долзарб масалага ўз муносабатини холис билдиришига имконият яратиш ниҳоятда муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон дўст мамлакат халқининг мушкул куларда бундан бун ҳам ердани аямаслигини бил-

дирди. Тожикистон Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов қардош Ўзбекистоннинг тожик халқига инсонпарварлик ерданини, Президент Ислам Каримовнинг минтақада тинчлик ва оқошталликни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юксак баҳолади. Бу йилги ҳосилини нест-нобуд қилмай тегиб олиш ва келгуси йил ҳосили учун замин яратиш ҳамда қишининг талафотсиз ўтиши учун екилги ва газ етказиб беришга қўмақлашиш хусусидаги илтимоси қондилрилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида Ўзбекистон томонидан республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари

И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Б. Хамидов Тожикистон томонидан республика Вазирлар Кенгаши Раиси А. Самадов, Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Р. Гофуров ва бошқа расмий қиллар иштирок этдилар.

Музокаралар ниҳосида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги хар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларация имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов имзолдилар.

Шундан сўнг Ислам Каримов ва Имомали Раҳмонов маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокара ва мулоқотлар якуни юзасидан берган саволларига жавоб

кайтдилар. Хар икки давлат раҳбарлари бу учрашув чоғида қўшни Афғонистонда тезроқ сулҳ ва оқошталлик қарор топиши минтақада тинчлик ва барқарорлик таъминлинишининг муҳим омил эканини яна бир қарра таъкиддилар. Шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаши ва бошқа тегишли халқро ташкилотлар афғон тупроғида тезроқ сулҳ ва оқошталлик ҳужм суриштига эришилиши йўлидаги саъй ҳаракатларини қўчайтиришлари лозимлигини айтдилар.

Шу кунги Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов раҳбарлигидаги расмий делегация Тошкентдан ватанга жўнаб кетди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Миллий валюта — сўмнинг ички эркин муомалада бўлишини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгиланган кўрсаткичларга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1994 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган ва резидентлари бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада — сўмда амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний шахслари ўзларининг валюта сўмлари ва банклардаги омонатларидан маблағларини, шунингдек, улар буйича фойзаларни чет эл валютасида еки сўмда белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эгадилар. Юридик шахсларга республика ҳудудида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун вакил қилинган банкларда сўмларда ҳисоб-китоб сўмлари очилган тавсия қилинсин.

2. 1994 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомаладаги валюта (ЭМВ) да савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш, шу жумладан хорижий фуқароларга, таъкидлансин.

Эркин муомаладаги валютага сотиб олинган товарларни сотувчи савдо қорхоналари ва ташкилотлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар нархномаларда товарнинг эркин муомаладаги чакана нархини кўрсатишлар ҳамда амалдаги валюта алмашиш курси кўрсаткичларини албатта илб қўйишлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига вакил қилинган банклар ва Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси аъзолари сонини кенгайтириш, валюта обороти миқдорларини хар томонлама қўлайлаштириш чораларини кўриш тавсия қилинсин. Юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта алмаштириш буйича саволларда вакил қилинган тегишли банклар орқали қатнашишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги қарорининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. С. Хамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил, 7 октябрь.

• Диққат: янгилик!

ЯНГИ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ

Оққўрғон туманидаги "Қаҳрамон" жамоа хўжалиги даласида "Ўзимаш" ўзбек-исроил қўшма қорхонасида илгор технология асосида яратилган ХМГ—02/ХМГ—01 русумли горизонтал шпинделли янги пахта териш машинасининг синов намойиши бўлиб ўтди. Пахтачилик машинасозлиги буйича республика давлат махсус конструкторлик бюроси ташаббуси билан ўтказилган бу намойишда машинасоз мутахассислар, "Ташселмаш" заводи инженер-техник ходимлари, кишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда техника дорилфунуларининг олимлари иштирок этди. Машинанинг ишлаш жараени кўздан кечирилди. У сўнгги йилларда Ўзбекистонда яратилган вертикал шпинделли таксимлаштирилган пахта териш машиналари билан солиштириб кўрилди. Янги машина ўзининг мукамаллиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортиди.

— Икки қатрли бу янги пахта териш машинаси иронлик мутахассислар билан ҳамкорликда юзага келган Ўзбекистон машинасидир, — дейди биз билан суҳбатда ўзбек-исроил қўшма қорхонаси бош директори Нотан Файнберг. — Унинг афзалликлари ҳақида тўхталиб бўлса, бу агрегатнинг тезлиги юқори, гектарига 70 центнергача бўлган ҳосилни 95-97 фойз тоза териб олади. Унинг бункерига 1,2 тонна пахта сиғиди, бошқарниш қулай, шпинделларни ювиб туришга ҳожат йўқ. Деталларнинг ишқаланиш кучи камлиги сабабли деярли таъмир қилинмайди. Энг асосийси, терим агрегати "Беларус" тракторининг ортига тиркалган учун йиғим-терим мавсуми тугагач трактордан йил давомида бошқа юмушларда фойдаланавериш мумкин.

Мутахассислар мазкур агрегатни жаҳондаги энг мукамал машиналар сирасига киритмоқда. Ишлаб чиқармоқчи бўлаётган машинасининг бугунги кундаги калкуляция буйича баҳоси 45 миң долларни ташкил этади. Бу жаҳондаги худди шундай технология асосида ишлаб чиқарилаётган машиналардан деярли уч баравар арзон. Уни сотиб олган деҳқон ютказмайди. Чунки бу машина бир неча ўн йиллар давомида беникусон ишлай олади.

Янги пахта териш машинаси синов намойишида республика Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин, Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов иштирок этди.

Несъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

Тошкент вилоят сайлов комиссиясида

АХБОРОТ

1994 йил 11 октябрда Тошкент вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия йиғилишида "Ватан тараққиети" ва Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Тошкент вилояти кенгашлари томонидан халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига ўтказиладиган сайловда иштирок этишга ижозат сўраб тақдим этилган қонунда белгиланган тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилди.

Вилоят сайлов комиссияси "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига мувофиқ "Ватан тараққиети" ва Ўзбекистон Халқ Демократик партиялари Тошкент вилоят кенгашларига халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига ўтказиладиган сайловда иштирок этишларига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Вилоят сайлов комиссияси.

«Хосил -94»

ТЕВКОР ГУРУХ МАЪРА БИРАДИ

Тел: 33-40-48, 33-70-10

«Хосил -94»



ВИЛОЯТ ТУМАНЛАРИДА

пахта тайерлашнинг бориши тўғрисида

1994 йил 11 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фойз ҳисобида)

Туманлар	бир кунда	мавсум бошдан буен	шу жумладан машинада терилгани	
			бир кунда	мавсум бошдан
Уртачирчиқ	2,64	74,01	2,47	68,30
Қуйичирчиқ	2,73	72,45	2,44	66,13
Юқоричирчиқ	2,11	71,55	1,72	64,43
Чиноз	2,10	66,13	1,68	40,28
Оққўрғон	2,92	61,57	2,80	47,63
Бўка	2,38	59,59	1,71	33,18
Янгийда	2,12	55,89	1,22	24,34
Пескент	2,00	52,38	1,07	25,26
Бекobod	2,38	44,89	1,40	13,48
ВИЛОЯТ БЎЙИЧА	2,44	61,31	1,92	42,39

• Маррага етганлар

ДЕҲҚОН ТАРОЗУСИ ТОШ БОСДИ

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ хўжаликлар бирин-кетин пахта тайерлаш йиллик режаларини бажармоқдалар. Ана шундай меҳнат зафарига бутун "Ўжакент" жамоа хўжалиги пахтакорлари ҳам мушарраф бўлиб туришди. Шу кунгача давлат қабул пунктларига 645 гектар пахта майдонининг хар гектаридан 27,5 центнердан, жами 1771 тоннадан ортик дурдона етказиб берилди. Йиллик режа вилоятда биринчилар қатори муддатидан анча барвақт ошириб бажарилди.

Хар бир инсон яхши умид, орзулар билан яшайди. Утган йили ҳам хайрли ишларга бел боғланган эди. Афсус, хўжалик миришкорларининг эгзу ниятлари амалга ошмади. Анча-мунча ҳосил далада қолиб кетди. Орияти кучли, андишли деҳқон учун бу эчки сабоқ бўлди. Шу тўғрисида ҳам жамоа бу йил бутун мавсум — эрта баҳордан то кузгача ана шу алам даридан халос бўлиш учун ўз қардон даладан чикмай меҳнат қилди, тер тўқди. Хар бир нав-ноҳлини меҳр билан парваришлади, мўл ва эртани ҳосил етиштирди.

Куз — бутун йил буйи қилинган меҳнатга ўзига хос синовдир. Хўш, "Ўжакент"да тарозунинг палласи қайси томонга кўпроқ босаяпти?

— Тарозунинг палласи деҳқон томонга оғир босаяпти, — дейди жамоа хўжалигининг раиси Жамол Тўлаганов. — Биз пахтакорлар ҳукуматимизнинг дала меҳнатқашлари ҳақида кўрсатаятган доимий ва катта ғамхўрликларидан хар қанча миннатдор бўлсак арийдим. Бундай имтиёзлар ва енгилликлар ҳеч бир замонда бўлган эмас. Ана шу нарса деҳқонларимизни меҳнатга, жасоратга руҳлантирмоқда, еруг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Биз терини кўтаринки руҳда бошладик. Пахта йиғим - теримда ялли сафарбарликка эришдик. Меҳнатни рағбатлантиришни изчил йўлга қўйдик. Шундай йул тўтиб, пиравордада ютиб чиқдик.

Иқтисодчи, тадбиркор раиснинг бу режаси ўзини тўла оқлади. Мавсум бошлангичи арафасида пахта теримда қатнашувчиларнинг меҳнати муносиб тақдирлангани ошқорча овозга килинди. Шундай ҳам бўлди, ватаннинг устидан чиқиди. Хар беш кунда теримчилар терган пахтанин хар килосига 50 тиннидан хар тўлаб борилди. Айни бир вақтда терилган пахтанин хар 10 килосига 1 килограмм ҳисобидан шолти тақсимланди. Еки бошқача қилиб айтганда, 1 тонна пахта терган теримчига 100 кило шолти берилди.

Меҳнаткорлар меҳнати ҳам муносиб тақдирлаб борилди. Машинада терилган пахтанин хар тоннасига 10 сўмдан хар тўланди. 60 тонна пахта терган ва ўн куликда қолиб чиққан меҳнаткорларга 150дан 200 сўмгача пул муқодотлари берилди.

Ишнинг муваффақияти кўп жихатдан меҳнат шарт-шароитларига боғлиқ эканлигини тушулган хўжалик бошқаруви далада ишлаётганлар ҳақида имкон қадар ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилди. Дала шийонларига тушлик ва кечликка бепул иссиқ овқатлар ташкил қилинди. Терим машиналарига жойнинг ўзида техникавий хизмат кўрсатилди ва шу мақсадлар учун иккита кўма устакана ташкил этилди. Бу ўз навбатида теримда юқори суръатни таъминлашга имкон яратди.

Хўжалик хар йили четдан биронта ерданчи олмай ўз ички қучларига таяниб иш кўради. Пахта йиғим-теримда деярли барча юмушлар машиналар зиммасига юклатилган. Бу йил ҳосилин 80 фойзи бункерлардан тўкилганлиги ана шундан далолат бериб турибди. Даладарда бутун 18 та терим машинаси тўла қувват билан

ишлаяпти. Кунда хирмонга 8-10 тоннадан пахта териб тўкаётган Жўра Хусанов, Баҳром Тўраев, Абдуосат Абдусаматов, Зокир Салимбоев, Озод Мўминов, Раҳим Бойназаров сингари азамат меҳнаткорлар пахтазорларда астойдил жавлон уриб, меҳнатда катта ютуқларга эришмоқдалар. Улардан хар бирининг шу кунгача терган пахтаси 90-100 тоннадан ошиб кетди.

"Ўжакент"ликлар меҳнат зафарига маррага биринчилардан бўлиб етиб келган Аъзам Раҳматов, Уткир Эрматов, Шокир Далатов, Жўра Дўстматовлар бошлик бригадалар миришкорларининг салмоқли улуши бор.

— Теримчилар номини камроқ тилга олаётганимиздан баъзилар хайрон бўлмасин, — дейди хўжалик бош агрономи Узоқбой Маждов. — Биз кўл теримига ҳам зўр бердик. Номдор чевар теримчилар жулда кўп. Хозиргача 1,5-2 тоннадан ошиб пахта териб қўйган Мухаббат Жўрабекова, Хурн Толпинова, Хайраза Абдусаматова, Иноят Абдурахимова ва бошқалар шулар жумласидандир.

Пахта теримидан бошқа ишларимиз ҳам оз эмас. Бир томонда қанча, шолти ўрини, иккинчи томонда кузги ғалла экиш. Биз ана шуларни ҳисобга олиб, мавжуд одам кучларидан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилияпти.

Белоен "оқ олтин" даладарда хали ҳосил сероб. Йиғим-терим ишлари юқори суръат билан давом этапти. "Ўжакент" заршунослари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, Ватан хирмонига яна 200 тонна дурдона топириши ва гектар бошига ҳосилдорлигини 30 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ,
"Тошкент хақиқати" махсус муҳбири.

БЎСТОНЛИҚ САБЗАВОТИ 40 МИНГ ТОННАДАН ОШДИ

ТУМАН меҳнатқашлари йил бошидан самарали меҳнат қилиб, мустақиллигимизнинг учинчи йилида белгиланган барча режаларни тўлиқ бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Ез бошида улар пилла буйича, ундан сўнг

ғалла топириш режасини ошириб адо этган эдилар. Куни кеча яна бир хушхабар олинди. Бўстонлиқ миришкорлари давлатга 40 миңг тоннадан зиёд сабзавот топириб, бу соҳадаги йиллик режаларини ҳам ортиғи

билан бажардилар. Туман ютуғига Хўжакент, Бўстонлиқ, Боймирзаев номли, Паргос, Янгиовул, Энгбек, Қўшқўрғон каби хўжаликлар муносиб ҳисса қўшилди. Кишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам иш дуруст

бормоқда. Гўшт, сут буйича 9 ойлик режалар ортиғи билан удаланган эди. Туман ғаллакорлари яқин кунлар ичида кузги ғалла экиш топиригини ҳам тўлиқ бажариш учун катта саъй-ҳаракат кўрсатмоқдалар.

— Туманимиз сабзавоткорлари режага қўшимча яна 4 миңг тонна ноз-несъмат етиштиришга аҳд қилдилар, — деди туман ҳокими А. Абдувоисов.

У. РАҲИМОВ.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 3-бетда).

42. Юнусобод сайлов округи
Комиссия раиси: Зойитов Нигмат — Тошкент туманидаги 22-ўрта мактаб директори
Раис муовини: Усмонов Хайитбой Қобулов — 10-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти устаси
Комиссия котиби: Родатова Юдуза — Юнусобод қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Комиссия аъзолари: Зияева Мастура — Тошкент туманидаги 12-болалар боғчиси мудири
Иброҳимов Ахроржон — Тошкент туманидаги "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалиги аъзоси
Мирзаева Мухтарам — Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси
Раҳимов Фатхиддин — Тошкент туманидаги Ҳасанбой қишлоқ маданият уювининг директори
Гуфоров Музаффар — Тошкент туманидаги Абдураҳмонов жамоа ҳўжалиги аъзоси
Урозов Олтин — Ф. Абдуллаев номи жамоа ҳўжалиги фермери

43. Келес сайлов округи
Комиссия раиси: Вакилов Абдугани — Тошкент туманидаги электр тармоқлари идораси бош мудири
Раис муовини: Зокиров Анвар — Тошкент тумани халқ таълими бўлими услубият хонасининг мудири
Комиссия котиби: Арислонова Дилбарой — Тошкент тумани, Келес шаҳар ҳокимлигининг бош хисобчиси
Комиссия аъзолари: Алимов Қўзйой — Тошкент тумани, Келес даҳаси уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
Валиев Рустан — Тошкент тумани жамоа ҳўжалиги банкининг хисобчиси
Пўлатова Парда — Тошкент тумани ДОСААФ хисобчиси
Усмонов Одил — Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси
Хайитова Зулайхо — Тошкент туманидаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси
Шодиёва Дилора — Тошкент тумани марказий кутубхона кутубхоначиси

44. Кўктерек сайлов округи
Комиссия раиси: Махаммаджонов Маъмуржон — Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб директори
Раис муовини: Шерматов Абдулҳак — Тошкент туманидаги 14-ўрта мактаб ўқитувчиси
Комиссия котиби: Тўхтабоев Тонр — Кўксарой фуқаролар йиғини бошқарувчи
Комиссия аъзолари: Анваров Хожикабар — Тошкент тумани, Ойбек номи маҳалла котиби
Отмушбоев Илтиёр — Тошкент тумани, Кўктерек қишлоқ клуби мудири
Саидхалимов Холхўжа — Тошкент тумани, Янгибод маҳалла оқсоқоллар йиғини раиси
Хусанов Раҳмат — Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси
Ҳакимов Тўхтамурод — Тошкент туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси
Шонисмоилов Бақодир — Тошкент туманидаги Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини котиби

45. "Кия Пен Ха" сайлов округи
Комиссия раиси: Мансуров Абдуқано — "Труд" ширкати раиси

46. Тўйтепа сайлов округи
Комиссия раиси: Солиев Тўлқин — Тўйтепа автовокзали бошлиғи
Раис муовини: Мансуров Эсанбой — Санэпидстанция врач
Комиссия котиби: Ханталиева Маъфурат — 4-мактабда иш юритувчи
Комиссия аъзолари: Азаматов Уктам — "Янги турмуш" жамоа ҳўжалиги раиси
Қаҳҳоров Аҳмад — "Роватак" жамоа ҳўжалиги раиси
Пўлатова Дилфуза — 3-ўрта мактаб директори муовини
Рубилова Исмаилов — Туман ички ишлар бўлими ходими
Рўзमतова Нодира — "Бегим" ҳиссадорлик жамияти кадрлар бўлими бошлиғи
Худойкулов Усмонали — Марказий шифхона ЛОР бўлими мудири

47. "Истиклол" сайлов округи
Комиссия раиси: Усмонов Турдали — "Ҳақиқат" жамоа ҳўжалиги раиси
Раис муовини: Сон Виктор Васильевич — 57-ўрта мактаб директори
Комиссия котиби: Дадабоева Гулбаҳор — 10-ўрта мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари: Абдиев Мухтор — 35-ўрта мактаб директори
Аскарлов Ином — "Хўжалик" ҳиссадорлик жамияти хизматчиси
Мавлядинов Нургалл — Қайтамас жамоа ҳўжалиги раиси
Одлова Дилбар — Тўйтепа маҳка дони саралаш корхонаси технологи
Раҳмонова Ибодат — 29-боғча мудири
Хосилов Нуритдин Муҳиддинович — Тошкент сув омбори қурилиш бошқармаси бошлиғининг муовини

48. Чиноз сайлов округи
Комиссия раиси: Жўраева Шухрат — Туман халқ таълими бўлимининг касаба қўмитаси раиси
Раис муовини: Евтеев Павел Петрович — 2-ўрта мактаб директори
Комиссия котиби: Зияева Оқибат — 1-болалар боғчиси методисти
Комиссия аъзолари: Абдураҳимов Мавлонжон — 23-ўрта мактаб ўқитувчиси
Аббасқасимова Фатима — Қўйлик қурилиш қарвари Чиноз филиали диспетчери
Ким Ирина — Санитария-эпидемиология станциясининг назоратчи ердасчиси
Қўчқоров Пардабой — Охунбобоев жамоа ҳўжалиги аъзоси
Қодиров Достон — Гулзаробод жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи
Муштафақулов Абдуҷаббор — Йўлтушган жамоа ҳўжалиги касаба уюшмаси раиси

49. Олмазор сайлов округи
Комиссия раиси: Зайнутдинов Салоҳиддин — Чиноз қишлоқ ҳўжалик техникуми ўқитувчиси
Раис муовини: Қўрбонов Атам — 4-интернат бош тарбиячиси
Комиссия котиби: Аббасова Гулжаҳон — 17-мактаб директори
Комиссия аъзолари: Абилоксимов Эргаш — 34-мактаб ўқитувчиси
Ибрагимов Қўчқор — 36-мактаб ўқитувчиси
Мавлонов Самин — Дўстлик жамоа ҳўжалиги касаба уюшмасининг раиси
Нижирбоев Тошмат — Чиноз "Пастабабел" заводининг ишчиси
Қолимов Маъмур — Т. Озунова номи жамоа ҳўжалиги хисобчиси
Шербоева Меҳри — Пахта матбуот жамияти ишчиси

50. Истиқлол сайлов округи
Комиссия раиси: Нурмуҳамедов Ботир — Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқолнинг маслаҳатчиси
Раис муовини: Беква Азизат — Ўзбекистон пахта заводининг механиги
Комиссия котиби: Примқулова Робига — 27-мактаб ўқитувчиси
Комиссия аъзолари: Архабон Абдуқасимов — 394-қурилиш корхонасининг муҳандиси
Ортиқов Усмонали — 9-мактаб ўқитувчиси
Раҳматов Умар — Истиқлол қишлоғи марказий Маҳалла маслаҳатчиси
Собирова Гулбаҳор — Туман Марказий касабасининг хизматчиси
Уйчонов Бахтиёр — Истиқлол қишлоғидаги маҳалла маслаҳатчиси
Хайитов Тоҳирбой — Ўзбекистон жамоа ҳўжалигининг хисобчиси

51. Жумабозор сайлов округи
Комиссия раиси: Турбеков Дусан — 26-мактаб илмий бўли мудири
Раис муовини: Чагай Сергей — туман касаба уюшмаси мутаассиси
Комиссия котиби: Мирзатилаева Жамила — 26-мактаб ўқитувчиси

52. А. Ортиқов сайлов округи
Комиссия раиси: Алметова Дилбар — А. Ортиқов жамоа ҳўжалигининг жисмоний тарбия инструктори
Раис муовини: Аҳмедов Раҳмат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги бригада бошлиғи
Комиссия котиби: Қурғонбоев Ҳаким — 35-ўрта мактаб ўқитувчиси

53. Нивезбош сайлов округи
Комиссия раиси: Нишонаевна Абдуҷаббор — "Нивезбош" жамоа ҳўжалиги котиби

54. Шўралоқ сайлов округи
Комиссия раиси: Шодмонқуллов Жўрабек — Туман кинолаштириш бўлими бошлиғи
Раис муовини: Минаваров Туроб — Хўжаобод таъмирлаш механика заводи директори
Комиссия котиби: Мўминов Абдуқодир — Эски — Қовунчи қишлоқ фуқаролар йиғини ходими
Комиссия аъзолари: Абдуназарова Умид — 44-сон ўрта мактаб ўқитувчиси
Абдухалилов Абдуманно — "Абдуманно" қурилиш корхонаси бошлиғи
Исмоилов Файзулла — 3-гидроэлектростанциясининг диспетчери
Умридинов Раҳмон — 53-ўрта мактаб ўқитувчиси
Хушазаров Раҳмон — 25-ўрта мактаб ўқитувчиси
Эрманов Йўлчи — Навбахор қишлоқ фуқаролар йиғини ходими

55. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

56. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

57. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

58. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

59. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

60. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

61. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси


62. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

63. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

64. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

65. Янгийўл тумани бўйича
Комиссия аъзолари: Жўраева Тўрайой — "Соҳибкор" агрофирмаси директори муовини
Мирзақасимов Миржамо — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги бошлиғи
Мавлянова Ашура — 2-ўрта мактаб ўқитувчиси
Тиркашева Муҳаббат — 15-ўрта мактаб ўқитувчиси
Расулов Мансур — Халқободдаги иссиқхона ҳўжалиги ишчиси
Юсупова Муҳаббат — "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги хисобчиси

Вилоят сайлов комиссиясининг раиси Н. Н. НАСИМОВ
Вилоят сайлов комиссиясининг котиби К. С. ҚАМБАРОВА



ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИНГ МЕДАЛЛАРИ

Ўтган hafta Ўзбекистон командаси учун медалларга бой бўлди. Бир hafta давомида ватандошларимиз йиғирмата медалини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Шундан 12 таси байдарка ва каноэчилар учун тегишлидир. Жумладан, улар учта олтин ва олти кумуш ва бронза медалларига эга бўлишди.
Айниқса, спортнинг бу тури бўйича тошкентлик Иван Киреевнинг муваффақиятлари катта бўлди. У 500 метр масофада олтин медал соҳиби бўлди. Мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритиши билан бирга инглиз тилида бемалол савол-жавоблар қилиб ҳам муҳлислар, ҳам муҳбирлар эътиборини қозонаётган бу ҳамюртларимизга минг метрлик масофада ҳам тенг келадигани топилмади. Байдарка ва каноэда турликда ҳам йиғитларимиз минг метрлик масофада голиблик шохсупасига кўтарилишди. Улар сафида ҳам Иван Киреев бор эди.
500 метрлик масофада байдарка ва каноэда турликда спортчиларимизга иккинчи ўрин насиб этди. Чирчилик 26 ешли Илина Лялина спортнинг бу тури бўйича ҳам анча яхши натижаларни қўлга киритди. Унга биринчи бўлиши учун санокли дақиқалар етмай, кумуш медал эгаси бўлди.
Ўзбекистон миллий терма командаси футбол

СЕВИМЛИ ҚЎҒИРЧОҚЛАР

Тошкентдаги "Узэлектроаппарат" ишлаб чиқариш бирилмасида жажжи фарзандларимиз учун уларнинг ешлари ва дунёқарашларига мос турли-туман ўйинчоқлар кўлаб тайёрланмоқда. Яқинда бу ерда "Севишли қўғирчоқлар" кўргазмаси ташкил этилиб, унда бир қатор энг сара махсулотлар намойиш этилди. Шунингдек, томошабинлар Словакия, Украина, Россия, Тожикистон, Қирғизистонда ишлаб чиқарилаётган ўйинчоқлар билан ҳам қизиқиб танишдилар.

Ҳ. СОЛИҚОВ олган суратлар.



ҚАНДАЙ НОНУШТА ҚИЛАСИЗ?

"Нонуштани ўзинг е, кечки овқатни душманнига бер" деган нақл бор халқда. Бу бежиз айтилмаган. Француз парhezшунослари ана шу доно фикр тўғрилигини тасдиқлайдилар. Парhez овқатланиш бўйича ахборот қўмитаси ходимлари йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини тадқиқ қилдилар. Хусусан, йўллардаги бахтсиз ҳодисаларни ўрганиш шунини кўрсатдики, бу ҳодисалар соат 11 дан 13 гача кескин кўпаяр экан. Бунинг сабаби ана шу мушкул "очикқан соатлар"да ҳайдовчи ва йўловчилар эътибори сусайиши қузатилади. Яъни ҳамма айб эрта саҳарда шошиб етлари тамадди қилмасликларидир. Шу боис тушга яқин ишхона ва идораларда одамлар ўртасида ҳам жанжаллар кўпайиб қолади.
Бу вақтда мактабларда ўқувчиларнинг ҳам

ОДАМ ҚАНЧА ВАҚТ УХЛАМАСЛИГИ МУМКИН?

Бу ўрганишга боғлиқ. Лекин Томас Искердро Нуьес — мана қирқ йилдики, бедор. 52 ешли бу одамни тиббий қузатишлар унинг ҳатто ҳеч бир мижага қоқмаслигини ҳам тасдиқлади. Томас 12 ешлик вақтда энцефалит менингит касали билан оғриган, мисқиндай уйку механизми жиддий шикастланган. Гипнозни қўллаш ва махсус муолажа тўғриси Нуьес сарфланган қувватни тиклаб боради. У ҳатто машина ҳайдайди. Томас уянган, икки фарзанди бор. Кечалари у шевр, муслика езади, расм чизади. Бундай олганда у бошқаларга қараганда анча мазмунли яшамоқда, чунки ҳозир 15 йилни "иктисод" қилди-да!

Зангиота янгиликлари БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

ЗАНГИОТА туманидаги "Иттифок" жамоа ҳўжалиги бошқаруви аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Яқинда ана шундай бир саховатнинг шохиди бўлди. Ишчилар, механизаторлар ва ҳайдовчиларга 50 килограмдан бугдой ва озиқ-овқат махсулотлари улашилди.
Меҳнатда ўрناк қўсатган 17 нафар ҳайдовчи ва 22 нафар механизаторга ўз меҳнат таътилини ўтказиши учун ҳўжалик хисобидан 5 минг сўм мукофот пули ажратилди. Улар яқинда уста механик Ботир Эшонхўжаев бошчилигида

ХЎЖАЛИК — ТЎЙБОШИ

Бўстонлик ҳудудидидаги хушхаво шифо масканида марокки дам олиб қайтишди.
"БЎЗСУВ" жамоа ҳўжалигида яқинда эл оғзига тушган қатор тўй маросимлари бўлиб ўтди. Кам таъминланган тўрт оила фарзандларининг суннат тўйлари, Андрей Крайнов ва Расул Давлатовларнинг никоҳ тўйлари нишонланди.
Энг диққатга сазовор жойи шундаки, бу оилавий тантаналарга ҳўжаликнинг ўзи тўйбоши бўлди. Мазкур тўй маросимлари ҳўжалик хисобидан хайрия тариқасида ўтказиб берилди.
И. ҚОСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!
Сув қувурлари тизимида таъмирлаш-эҳтиёткор ишлари олиб боришни муносабати билан
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИК ИЧТИМЛИК СУВИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪМИРЛАШ ТРЕСТИ
АБОНЕНТЛАРГА
12 ОКТАБРЬ СОАТ 8.00 ДАН 13 ОКТАБРЬ СОАТ 8.00 ГАЧА
КУЙДАЙ СУВ ҚУВУРИ ТАРМОҚЛАРИДА СУВҚ СЎВ БЎЛМАСЛИгини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Зангиота тумани бўйича: А. Икромов номи жамоа ҳўжалиги, "Иттифок" жамоа ҳўжалиги, "Туркистон" жамоа ҳўжалиги, "Тўқимачи" давлат ҳўжалиги, "Дамачи" балиқчилик ҳўжалиги, "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалиги, Зангиота номи жамоа ҳўжалиги, "Тонг" давлат ҳўжалиги, "Бўзсув" уруғчилик давлат ҳўжалиги, Улугбек жамоа ҳўжалиги, Тошкент махсус механизацияланган кўча колоннаси, Ишлаб чиқариш техникавий жиҳозлаш бошқармаси, Чўққанчиқ санатои мажмуаси, Туман марказий шифохонаси, Тошкент станциясидаги темир йўл клиникаси шифохонаси, 484-механизацияланган кўча колоннаси, Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникуми, қайта ишлаш корхонаси, Техника стурини илмий тадқиқот илгоғи, "Ўзбекистон" паррандачилик бирилмаси, Корпус давлат наслчилик-паррандачилик бирилмаси, Тошкент гўшт комбинати, "ТЭКОС" фирмаси.
Янгийўл тумани бўйича: "Дўстлик" жамоа ҳўжалиги, "Тинчлик" жамоа ҳўжалиги, Бобур номи жамоа ҳўжалиги, У. Юсупов номи богдорчилик-узумчилик комбинати, Х. Турсунқуллов номи жамоа ҳўжалиги, 2503-автоклонна, Тошкент тўқимачилик машинасозлиги бирилмасининг дам олиш маскани, Болтабоев номи жамоа ҳўжалиги, Янгийўлдаги "Умид" бройлер паррандачилик бирилмаси, "Янгибод" давлат ҳўжалиги, Н. Ниезов номи жамоа ҳўжалиги, "Қуйи Бўзсув" ГЭСи, Ўзбекистон йўллар бошқармаси, Ўртавуул туманлараро бирилмаси, "Янгийўл" давлат ҳўжалиги, "Нов" қишлоғи, Янгийўл туман таъмирлаш-ишлаб чиқариш бирилмаси, Халқобод ижарадаги озиқ-овқат комбинати, "Жузузлик" давлат ҳўжалиги.
Чиноз тумани бўйича: "Дўстлик" жамоа ҳўжалиги, "Чиноз" наслчилик-давлат таълими ҳўжалиги, "Эшонобод" жамоа ҳўжалиги, "24-Партсъезд" давлат ҳўжалиги, Тельман номи пахта таъмирлаш пункти, С. Раҳимов номи жамоа ҳўжалиги, Олмазор қишлоғи, Туман маркази шифохонаси, "Ўзбекистон" жамоа ҳўжалиги.
Маълумотлар учун телефон: 47-03-20.

Яккасарой туманига қарашли "МУНОЗИР" фирмаси
ТУГАТИЛАДИ
Давоолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Бектемир туманига қарашли "НАДЕЖДА" қичқ корхонаси
ТУГАТИЛАДИ
Давоолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.
Телефон: 90-97-22

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Мухаррир:
Фатхиддин
МУХИДИНОВ

Манзилимиз:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий маълумот бўлими:
33-40-48
Эълонлар:
33-99-15, 32-57-27.